

АМИР ТЕМУР ЎТИТЛАРИ



ТОШКЕНТ

" НАВРЎЗ "

1992

ББК 82. ЗЎз

Т 39

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳаёти ва ижодига булган қизиқиш тобора ортмоқда. Шунингдек, Амир Темур ва унинг замондошлари қаламига мансуб асарлардан, шунингдек айрим муаррихларнинг бизгача етиб келган қўлёзмаларидан буюк соҳибқирон каломига мансуб муборак ўғитларни бирма-бир териб, ушбу манзумага тартиб бердик. Қўпчилиكنинг саяий-ҳаракати билан ушбу асар янада сайқал топиб, улуғ бобокалонимиз руҳи шод бўлади, деган умиддамиз. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:
Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси
Бўрибой АҲМЕДОВ ва ёзувчи Акрам АМИНОВ

Муҳаррирлар:
Бахтиёр ОМОН, Нарзулла УМАР ўғли

Темур, Амир.
Амир Темур ўғитлари: [Тўплаб] Тузувчилар:
Б. Аҳмедов, А. Аминов. – Т.: Наврўз, 1992.–64 б.
Темур, Амир. Изречения Амира Темура.

ББК 82. ЗЎз

Навий номли ЎзЖ Давлат кутубхонаси
Тираж 50000. Карт. тиражи 100000

© "Наврўз" нашриёти, Тошкент – 1992



БУЮК ШАХСНИНГ ДОНО ЎГИТЛАРИ

Амир Темури-буюк шахс: кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотик, рухшунос, шу билан бирга, эл-юртини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон.

Буюк инсоннинг мушкул ва ташвишлар билан тўлиб-тошган ҳаёти ва фаолиятини кичик бир мақолада, ҳатто жуда қисқа ва умумий тарзда бўлса-да, баён қилиб бўлмайди. Амир Темурнинг тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди. Лекин минг афсуски, бизлар-буюк амирнинг ватандошлари, бу ишни ҳозиргача эпполмадик. Тўғриси, буни қилиш имконига эга бўлмадик, чунки кўҳна тарихимиз, улуг ота-боболаримиз ҳақида бизларни чурқ этдирмай қўйган коммунистик ғоя бунга йўл бермади. Амир Темурнинг ўзи эса таҳқирланди, тухмату маломатларга қолди. Ваҳоланки, Ингилистон, Фарангистон, Олмония, Америка Қушма вилоятларидаги ҳамкасбларимиз унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб жуда кўп, кўламдор китоблар ёзиб, ўз тилларида чоп этдилар. Ингилистонлик шарқшунос олима Хильда Хукэм, олмонистонлик Ганс Роберт Рёмер, фарангистонлик Жан Поль Рокс, америкалик Жон Вудс ва Беатрица Манз шулар жумласидан. Хорижлик драматург ва артистлар ўз театрларининг





сахналарида Амир Темурнинг ёрқин образини яратдилар. Фарангистонлик ҳайкалтарошлар унинг кичик ҳажмдаги ҳайкалини олтиндан қуйиб, музейларда намойиш қилдилар. Биз-чи?..

Тангри таолога шукрлар бўлсинки, шу кунларга келиб кўп минг йиллик бой тарихимизни суриштириш ва урганиш имкониятига энди эга бўлганга ўхшаб турибмиз. Биз кекса тарихчилар бу ишни умр етганича ўзимиз қилармиз. Биз улгурмасак буни шогирдларимиз давом этдиришар. Ҳар ҳолда шуни унутмаслик керакки, бизлар нафақат Амир Тимур туғрисида, балки ота-боболар тарихи борасида ҳам халқимиз олдида қарздормиз.

Амир Тимур 1336 йилнинг 9 апрелида ўша пайтларда Кеш (Шаҳрисабз) га қарашли Хожа илғор (бу қишлоқ ҳозир Яккабоғ туманига қарайди) қишлоғида таваллуд топди. Отаси Амир Тароғай ўзига тўқ, бадавлат киши эди. Лекин Темур туғилган пайтда Қозонхон (1333-1346) ҳузурида кичик бир мансабга турарди. Кеш ва ўнга тобеъ ерларнинг беклиги эса Амир Тароғайнинг оғаси Ҳожи барлоснинг қўлида эди.

Темурнинг ёшлиги ва йигитлик йиллари мамлакат (Чигатой улуси) оғир ижтимоий-сиёсий бўҳрон исканжасига тушиб қолган бир даврда кечди. Улус ичидаги нотинчлик Қозонхон даврига келиб ўзаро феодал урушларнинг авж олиб кетишига олиб келди. Ҳокимият учун кураш айниқса хон билан унинг бош амири (амир ул-умароси) Қазаған ўртасида кучли бўлди. Ўзаро нифоқ ва келишмовчилик урушга айланди.

Мамлакат мўғуллар тасарруфи остида қолган ўша оғир шароит икки истеъдодли амирни—амир Темур





билан амир Ҳусайнни бирқадар яқинлаштирди. Лекин улар, барибир, мамлакатда феодал тарқоқликга барҳам бериш, фуқарони чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилиш хусусида яқдил бўлаолмадилар .

Шарафуддин Али Яздийнинг сўзларига қараганда, ўша пайтларда Сеистон ҳокимининг қудратли бир душмани бўлиб, у билан курашиш ёлғиз бир ўзининг қўлидан келмабди. Ҳоким бу курашга кўп олтину жавоҳирлар ваъда қилиб, амир Ҳусайн билан амир Темурни жалб қилибди. Ўша урушда амир Ҳусайн ўзини панага олди, Темур бўлса йигитларига бош бўлиб ўзини жангу жадалга отди, кўксини тигу тирга тутиб, ёғий устига ташланди. Лекин пистирмада турган душман уни ва йигитларини тирборон қилди. Ўшанда Темур унғ қўли-ю унғ оёғидан оғир жароҳатланди ва бир умрга оқсоқ бўлиб қолди. Бу воқеа 1364 йилда содир бўлган эди...

Қўйингки, Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоят катта.

Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликга барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира олди, марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратиб берди. Бугун "Темур ва темурийлар давлати", "темурийлар маданияти", "Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби", "Навоий" ва "Бобур" каби қутлуғ сўзларни нафақат ўзбекнинг, балки бутун дунё халқлари тарихи саҳифаларида учратар эканмиз бу гапларнинг заминида Амир Темурнинг улкан хизматлари





ётади.

Иккинчидан, Амир Темур, узи билибми-билмасданми, лекин бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишда ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли подшоҳларидан ҳисобланган Боязид Илдирымни (1389–1402) тор-мор келтириб (1402 й.) Ўсмонли туркларнинг истибдодига тушиб қолган Болқон ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларга озодлик бағишлади; Олтин урда хони Тўхтамишни (1376–1395) икки марта (1391 ва 1395 й.) тор-мор келтириб, Россиянинг мўғуллар ҳукмронлигидан қутилишини қарийб 300 йилга тезлаштирди.

Учинчидан, Туркистон заминни зироатчилик, ҳунармандчилик, илм-фан ва маданият ривожланган илғор мамлакатга айлантирди.

Амир Темурнинг саъий-ҳаракати билан обод этилган шаҳарлар, касабалар, қишлоқларни, Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Ясси (Туркистон) сингари шаҳарларда қад кутарган олий иморатларни айтмайсизми?! Уларнинг баъзилари ҳозир ҳам бор ва шаҳарларимизга кўрк бўлиб турибди. Таъбир жоиз бўлса, шу ерда яна бир гапни айтмоқчиман. Амир Темур ўз юрти Туркистоннигина эмас, балки қўшиб олинган юртларни ҳам обод қилди.

Амир Темур ҳам Искандар Зулқарнайн ва Қутайба ибн Муслим, Доро ва Маҳмуд Ғазнавий, Чингизхон ва Боту, Иван Грозний ва Пётр Биринчи, Наполеон ва Михаил Фрунзегга ўхшаш одам бўлган. Ҳукмрон синф намояндаси, ҳукмрон ғоя ва сиёсат ижрочиси бўлган. Босқинчилик урушлари олиб бормаганларида ўша ҳукмрон синф ва ҳукмрон ғоя уларни салтанат тахтидан улоқтириб ташларди.





Узоққа бормайлик, кичкинагина, биз билан бир умр тинч-тотув алоқада бўлиб турган қўшни Афғонистонга совет қўшинларининг бостириб кирганлигини нима билан исботлаш мумкин?

Амир Темур замонида ёзилган асарларни қунт билан мутолаа қилсангиз, унинг кўп яхши сифатлари (тўғрилиқ, мурувватлилиқ, эл-юртга меҳр-муҳаббат ва б.к.) билан танишасиз. Унинг мурувватли ва донишманд одам бўлганлигини ҳам пайқаб оласиз. "Темур тузуклари", Низомуддин Шомий (туғилган ва вафот қилган йили маълум эмас) ва Шарофуддин Али Яздий (1454 йилда вафот этган)ларнинг "Зафарнома"сида, Ибн Арабшоҳ (1389-1450)нинг "Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Темур" ("[Амир] Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари"), В. Череванскийнинг "Икки тўлқин" (Санкт-Петербургда 1898 йилда чоп этилган) ва бошқа асарларда келтирилган соҳибқироннинг ибратли панд-насиҳатлари ва ўғитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади. Булар эл-юрт ва фуқаронинг ташвиши, раиятпарварлик, меҳр-мурувват, қўшничиликка риоя қилиш ва ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ҳаётий ўғитлардир.

Қўлингиздаги ушбу китобча шу ҳақда: унинг биринчи қисмини юқорида зикр этилган асарлардан олинган ана шундай ўғитлар ташкил этган. Китобчанинг иккинчи қисмига эса Амир Темур номидан айтилган нақл-ривоятлар киритилди. Булар Ҳазрати соҳибқирон ҳақидаги халқ орасида машҳур бўлган нақл-ривоятлар бўлиб, уларнинг айримлари 1991 йилнинг август ойида "Ёш ленинчи" (ҳозир "Туркистон" номи билан чиқмоқда) рўзномасининг





ташаббуси билан профессор Малик Муродов бошчилигида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари бўйлаб Амир Темурнинг қадамжоларига қилинган саёхат чоғида ёзиб олинган.

Ушбу китобга тартиб беришда ўзлари ёзиб олган ўғит ва ривоятларни тақдим этган олийжаноб инсонлар—профессор М. Муродов, илм соҳиби Юсуф Ҳамдам, шоир Амирқул Каримов ва бошқаларга миннатдорчилик билдирамыз.

Амир Темурнинг панд-насихатлари, ўғитлари, унинг ҳақидаги нақл-ривоятлар жуда кўп. Биз улардан фақат бир қисминигина ушбу китобга киритдик. Амир Темурнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини астойдил ўрганиш бизда энди бошланди. Шунинг учун ҳам мазкур китобча бу йўлда қўйилган дастлабки қадам, денгиздан бир томчи, холос.


Азиз китобхон! Буюк шахснинг доно ўғитларини ўрганинг. Бу йўлда ҳамisha сизни улуғ бобоколониимизнинг руҳи қўллаб-қувватласин.

Бўрибой АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академиясининг
мухбир аъзоси



✓
БИЗ КИМ – МУЛКИ ТУРОН,
АМИРИ ТУРКИСТОНМИЗ.
БИЗ КИМ – МИЛЛАТЛАРНИНГ
ЭНГ ҚАДИМИ ВА ЭНГ УЛУҒИ
ТУРКНИНГ БОШ БУҒИНИМИЗ.
АМИР ТЕМУР

МИЛЛАТНИНГ
ДАРДЛАРИГА
ДАРМОН БЎЛ...





БИСМИЛЛАҲИР РАҲМАНИР РАҲИЙМ

Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машварат*сиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга киёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Шунинг ҳам билишинг керакким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлмай, яна бир қисми эса билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка солиш билан битур. Хуллас, бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сунг [шунинг таъкидлаш лозимки] қатъийлик, сабр, чидамлилик, соғлигу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур.

2

Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан ба-жо келтирилур.





3

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

4

Ғаним лашқарини енгиш қўшиннинг куплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳ*ининг камлигидан булмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик [тангрининг] мадади ва бандасининг тадбири биландир.

5

Ғарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

6

Агар икки хатарлик [ёки] бир хатарлик ишларни қилишга туғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш чораси топилмагач, бир хатарини ихтиёр этмоқ керак.

7

Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йулларини мулжаллаб қуй.





8

Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, тангри таалло жасур кишиларни ардоқлайди.

9

Кенгаш икки турли бўлур: бири—тил учида айтилгани, иккинчиси—юракдан чиққани. Тил учида айтилганини [шунчаки] эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

10

Амирларим агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб қуярардим, агар урушга мойил бўлсалар, унинг нафъ ва фойдасини яраш зиёнига таққослаб қуярардим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қилардим. Сипоҳни иккилантирадиган [турумсиз] кенгашни эшитишдан сақланардим. Қайси киши ақлга сиққан бир ишни куйиниб гапирса, суйиб эшитар эдим. Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим. Ҳар кимдан сўз олиб кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида уйлаб кўргач, туғри ва савоблироғини танлаб олардим.



12



11

Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олиб,
кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми
билан иш қилур эдим.

12

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир
туғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

13

Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай булгач,
Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки-ер юзига эгалик
қиладиган (кадхудо) киши ҳам битта бўлиши керак.

14

Агар ерда ва кукда икки худо бўлса, жаҳоннинг
иши бузилур.

15

Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манға,
Килди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анға.

*(Амир Ҳусайнға Амир Темурбек
ёзган туркий байт)*

16

Кимки менга келиб қушилса улуғланади, кимки
мен билан курашмоқчи бўлса йиқилади.



13



17

Жангда енгил-енгилиш иши тақдир пардаси
остида яширин.

18

Жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга
маълум бўлсинким, Тангри таоло даргоҳидан
умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим сал-
танат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай.
Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш
ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанат
бошқариш ҳақида қўлланма (дастуруламал) ёзиб
қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан
бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин...
толеъи баланд миллатининг шарофатин, муҳаббат ва
дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салта-
натни сақлағайлар.

Бу тузуқлардан ўз салтанат ишларини
бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар,
токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат
зарару таназзулдан омон бўлгай.

19

Дусту душман билан мурсою мадора қилдим.

20

✓ Ҳар мамлакатга шайхулислом* юбордимки, токи
мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни
яхши ва савоб ишларга ундасин.



14



21

Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини узимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бе-гуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

22

Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

23

Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кутариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан учирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю қўрқув бўлса, унут бўларди.

24

Шижоатли кишиларни дуст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.



25

Уламо билан суҳбатда бул ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

26

Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган булсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қулимни тортмадим.

27

Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор булмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.

28

Одамимиз кам, агар худо кўрсатмасин кузга захм еткудай булса, кейин тўпланиш мушкуллашади.

29

Ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йул-йуриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва хуш ахлоқлари,



маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим.

30

Раият* аҳволдан сгоҳ бўлдим, улуғларини ога қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

31

Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашрофулуғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.

32

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

33

Яхшиларга - яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.





34

Фарзандлар, қариндошлар, ошна оғайни, кушнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим.

35

Дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато булган жонларини фаний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака-майдон ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар. Агар ғаним сипоҳидан бирор одам уз валинеъматига* сидқидилдан хизмат қилиб уруш кунларида менга қарши қилич кутарган булса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим, қошимга [паноҳ истаб] келганда, уни қадрлаб, ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.

36

Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида уз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган булса, ундай одамни узимга энг ёмон душман деб билдим.

37

Давлат агар дину ойин* асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салта-



нат ялонғоч одамга ухшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йуқ уйга ухшайди.

38

Мен ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида ба- жардим.

39

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хо- нақолар* қуришни, мусофир йўловчилар учун йул устига работлар* бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

40

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари, тафсир*, ҳадис*, фиқҳ*дан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар* тайин қилдим.

41

Кимки Муҳаммад динини қўллаб-қувватласа, Сен ҳам уни қўлагил, кимки, Муҳаммад динини хор қилса, Сен ҳам уни хор тутгил.



Салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси [ҳазрати Муҳаммад] нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда уларни мустаҳкамладим. Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Дуст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дустларга шундай муомала қилдимки, дустлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дустликка айланди.

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

Очиқ юзлилик, раҳм-шавқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.



46

Менга илтижо қилиб келган бадкирдор одамлар, хоҳ менга яхшилик қилган булсинлар, хоҳ ёмонлик, салтанат тахтига утирганимдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга қўйдим. Менга қилган ёмонлиқларини қилмагандек қўриб, уларни ёмон қилмишлари дафтари устига афв қалағини тортдим.

47

Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кунгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қўвиб юбордим.

48

Ҳар кимнинг қадр-қийматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг улловини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

49

Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб қўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширар эдим.

Ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва қарвонбошилар тайинладимки, улар ушол мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳолаҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар.

Узоқ-яқиндан бирон киши келиб, менинг мажлисимга кирар экан, қайси тоифадан бўлса ҳам, давлатим дастурхони неъматидан уни қуруқ қайтармасинлар.

Сармояси қулидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин.



53

Ҳар қандай одам мөнинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар.

54

Гарчи яхши сўзни ҳаммадан эшитиш зарур бўлса ҳам, лекин сўзда, ишда бошқалар салтанат ишларида подшоҳга шерик, ёхуд устун бўлмасликлари шарт.

55

Султон ҳар нарсада адолатпеша улсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди.

56

✓ Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

57

Подшоҳ ҳар ишда қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан, то битирмагунича ундан қўл тортмасин.



58

Подшоҳ ҳукми жорий этилиши даркор. Бирон кимса гарчи ҳукми зарарли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин.

59

Подшолик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркини унга бериб қўймасинким, дунё хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат, тахтини ўзи эталлашга киришади.

60

Подшо салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кунгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

61

Вазирлар, амирлар, бирон кимса ҳақида яхши-ёмон сўз қилар эканлар, [подшо] эшитсин. Лекин уни амалга оширишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунича шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

62

Ўлдирган йиртқичга қарама, ўлдириш керак бўлган йиртқичга қара.



63

[Подшо] мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлсинки, улар купинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар.

64

Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камроқ бўлса, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир.

65

Агар ўғилларимдан қайси бирови салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кутарар экан, уни уриб-сукиб, ўлдиришга ёки муҳасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин, лекин уни куз тагида сақласинларки, токи ўз даъвосидан қайтсин ва тангри таолонинг мулкида фасод чиқмасин.

66

Давлат ичида талай олчоқ, ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жон фидоларини турли макр-ҳийлалар билан хароб қиладилар. Буларнинг мақсадлари салтанат қурёнига раҳна солишдир.



67

Ғаразгуй, бузуқи ва ҳасадгуй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшитмасинлар, чунки бу табақадаги кишиларнинг душмани куп булади, негаки, олам аҳлининг барчаси дунёта-лабдир. Агар вазирлар бундай одамларнинг кунглига қарасалар, давлатга хиёнат қилган булурлар, қарамасалар, улар вазирларга душманлик қилурлар.

68

Агар доруғалар ва ҳакамлар халққа зулм қилиб, уларни хароб қилган булсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин. Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сунг ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасинлар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар.

69

Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган булса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино* ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозиси*га олиб бориб топширсинлар.

70


Яхшини – ёмон кунда сина.



Вазирлар ушбу тўрт сифатга эга бўлган кишилардан бўлишлари лозим; биринчиси—асиллик, тоза наслилик; иккинчиси— ақл-фаросатлилик, учинчиси—сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик; тўртинчиси—сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик. Кимки, шу тўрт сафатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсинлар. Уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин. Камолатга эришган вазир улким, давлат муомалаларини тартибга келтириб, мулкий ва моллиявий ишларни тўғрилиқ билан, асли-насли тозалигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради.

Қайси вазир гийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Наслию зоти ёмон, ҳасадчи, кина-кек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузуқи, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди.

Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйруқларида вазирнинг асиллиги ва тоза наслиги кўриниб туради. Душманлик ва жабр-зулм қилмайди. Хоҳ



сипоҳдан, хоҳ раиятдан бўлсин, ҳар кимнинг номини яхши сузлар билан тилга олади. Бировдан ёмонлик ахтармайди, айтсалар эшитмайди. Агар бировдан ёмонлик курган бўлса, унга нисбатан шундай муомала қиладики, у шахс [охири] ёмонлигидан қайтади. Ўзига ёмонлик қилган одамга нисбатан шундай яхшилик қиладики, у олдига бош эгиб келади.

74


Асли тоза, насли пок, улуғ зотлардан бўлган, яхши равишли кишилардан топиб, вазир қилинлар. Чунки асли тоза киши хатоликка йул қўймайди, бадасл эса вафо қилмайди.

75

Қайси вазир софлик, туғрилик билан вазирлик ишига киришиб, давлатнинг молия-мулкия ишларини диёнат, савоб билан, нафси бузуклик қилмай, омонатга хиёнат этмай бажарар экан, ундай вазирни энг олий мартабаларга етказсинлар. Қайси вазир бузуклик қилиб, ёмонлик йўли билан мамлакат ишларини юргизар экан, кўп ўтмай салтанатдан хайру баракат кўтарилади.

76

Доно вазир шулдирки, уз ўрнига қараб, гоҳ қаттиққўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кет-



майди. Агар кўп мулойимлик қилса, дунёталаб, таъмагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиқлик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар. Демак, доно вазир шулдирки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чораю тадбирлар қўллаб, яхши англаган ҳолда, амалга ошириб, давлатни тартиб-интизомга келтиради.

77

Давлату салтанат уч нарса билан: мулк*, хазина ва лашкар билан тикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжом тутади.

78

Ақлли, билимдон ва ҳушёр вазир шундай бўлурки, бир тўғри тадбир қўллаб ғаним қўшинини пароканда қилиб юбора олади. Бундай вазир валинеъматининг соқчиси бўлиб, подшосининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тадбиркорлик билан ва узоқни кура билиши билан осонлаштиради. Агар салтанат ишларида жумбоқ учраса, ақлу фаросатини ишла-тиб, уни ечиб юборади.

79

Агар подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса, подшоҳнинг жабр-зулмини [тўхтатиш] чора-тадбирини кўради. Лекин вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда парокандаликка учрайди.

Уч юз ун уч амирларимнинг бариси ақл-хуш эгалари, базму разм шерлари, маҳоратли саркарда, лашкар тупини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар эди. Жангнинг сир-асрорини, ганим аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, ҳул-оёғи бўшашмасдан, лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига раҳна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади. Амирлардан қайси бири ўзи қизиқиб иш сўрар экан, унга буюрса бўлур.

Қилич чопишда ўзини кўрсатган баҳодирларни биринчи мартаба бўлса—унбоши, иккинчи мартаба ботирлик қилса—юзбоши, учинчи мартабасида эса мингбоши қилиб тайинласинлар.

Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётларини фойиб дунё нақди учун аямаганликларининг ўзигагина ҳам инъомга ва моддий таъминотда бўлишга ҳақли ва лойиқдирлар. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар инсофсизлик қилган бўлурлар.

Ёши улуг, кекса сипоҳийларни хурматлаб, азиз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларида кўриб, билганларидир. Уларни салтанат корхонасининг устунлари деб билсинлар. Улардан кейин ўғилларини ўринларига ўтказсинлар.

Ғаним томонидан бизнинг қўлимизга ҳар қандай сипоҳий асир бўлиб тушса, уни улдирмасинлар. Унга ихтиёр берилсин. Агар навкарликни қабул қилса, навкар қилсинлар; йўқ эса уни озод этсинлар.

Ғаним сипоҳийларидан қайси бири ўз давлатининг тузини оқлаб, бизга қарши қилич чопган, сўнгра ихтиёрый равишда ёки мажбур бўлиб паноҳимизга келса, бундай аскарга ишониб, уни азиз тутсинлар. Чунки у ўз соҳибига вафодорлик қилиб, еган туз-намаги ҳақини сақлаган.

Қайси навкар бегига ихлос қўймай, кунглида кина-кудурат сақласа, ихлоссизлик ва адовати туфайли бахтсизликка дучор бўлади. Лекин ўз бегига ихлос қўйган навкарнинг бойлигу давлати ва нознеъматлари кундан-кун ортиб боради.



87

Қайси навкарнинг ҳиммати емак-ичмак, яхши кийинмаккагина боғланар экан, албатта, иш вақтида сустқашлик қилади. Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ бурчини унутиб, иш вақтида [меҳнатдан] юз угирар экан, ундай навкардан юз угирмоқ керак.

88

Ҳақиқий подшоларга лозимдирки, қайси навкарни ўзлари улуглаб кўтарган бўлсалар, тезда уни хорлаб тубан қилмасинлар. Ўзлари кўтарган кишиларни ташламасинлар. Кимни билган ва таниган бўлсалар, уни унутмасинлар. Агар, аҳён-аҳёнда унинг иззат-нафсига тегиб хўрлаган бўлсалар, эвазига илгаригидан икки баробар ортиқ иззатини оширсинлар.

89

Қайси бир навкар ўз ихтиёри биланми ёки ихтиёрсизми бегидан ажраб кетган бўлса-ю, кейинроқ яна қайтиб келса, уни ҳурматласинлар, чунки у ажралиб кетганидан пушаймон бўлгани учун ҳам қайтиб келган.

90

Ғаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади.



91

Ҳар бир навкар ғаним наздида ҳурмат-этиборга эга бўлиб қадрланса-ю, бироқ жангу жадал вақтида ўз бегига хиёнат қилиб, унинг душманига дустлик қилса, туз ҳақини, бек ҳурматыни унутса, ўз бегининг душманига ён босиб, уни ўз бегидан устун қўйса, бундай кимсани хизматга йўлатмасинлар.

92

Агар навкарлардан бири қилич чопишиб, ғанимни синдирар экан, ғаразгўй одамларнинг унинг ҳақида айтган гапларига қулоқ солмасинлар. Унинг қилган хизматларини яширмаслик лозим, аксинча, бир хизматыни ўнга йўйсинлар, мартабасини оширсинлар, токи бошқа навкарлар буни кўриб жонбозлик қилишга рағбатлансинлар.

93

Агар навкарни бирон мамлакатга ҳоким қилган бўлсалар-у, у бевафолигидан душман билан келишиб, мулкни ўнга таслим қилса, улим жазосига маҳкум қилсинлар. Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар.

94

Менга ҳасад қилиб, улдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, мурувату эҳсон курсатдимки, бу яхшиликларни



куриб, хижолат терига фарқ булдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик билиб ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

95

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимади, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

96

Ақлли душман, жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ.

97

Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват курсат.

98

Душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрсаю яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг ҳукмига топшир.

99

Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимади, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.





100

Қайси мамлакатнинг аҳолиси ўз ҳоқими ёки волийсидан озор чеккан ва ўша диёр аҳлининг кўнгли ўз волийсидан қолган бўлса, мамлакатларни забт этгувчи чинакам подшоҳ... у ерга қадам қўйиши билан фатҳу зафар ҳам унга ёр бўлиб, бирга киради.

101

Қайси мамлакатда диндан қайтишлик (илҳод) ва зиндиқлик* кучайса ва у диёрнинг аҳолиси, сипоҳу раият турли маслакка кириб иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг ҳалокати яқиндир.

102

Бугунги ишни эртага қолдирма.

103

Юшмоқлик қилишга тўғри келса, мулоимлик қилдим; қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим.

104

Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди.



105

Туқайга ут тушса, ҳулу қуруққа қарамай борчасин куйдиради.

106

Қайси мамлакатни забт этган ёки қушиб олган булсам, уша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим; саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол*, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; уша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини булса, уз фарзандларимдек кўрдим.

107

Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йулини тўсдим.

108

Сипоҳийлардан бирон киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг отуловларини тортиб олмайсин.

109

Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юкляб иш берсинлар, токи шу йул билан гадолик расми йўқотилсин.



110

Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни гилам, таом ва чирсқ билан таъминласинлар.

111

Ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини гуллаб, кундалик емиш-ичмишларини бериб, уларга бирон вазифа белгиласинлар. Ҳамда барчасин тамғоласинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Агар тамғодан кейин ҳам гадолик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдасинлар. Шундагина гадо зоти мамлакатда йўқолади.

112

Ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач ёки қўшиб олингач, турли кўнгилсиз ҳодисалардан эмну омонликда бўлсин, унинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олиб иш тутсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар.

113

Қимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз* қурса ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили [эса олиқ-солиқ] қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин.

114

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса* тарафидан обод қилиқсин. Агар эгаси бўлса-ю, [лекин] обод қилишга қурби етмаса, унга турли ас-боблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи у з ерини обод қилиб олсин.

115

Хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига [янги] кўприклар қурсинлар, йул устида ҳар манзилгоҳга работлар қурсинлар. Йулларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирадиларки, йулларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини гафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ушаларнинг зиммасида бўлсин.

116

Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар. Фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат* ва дор ул-адолат* қурсинлар. Раияту зироатни* қуриқловчи қурчилар [ҳам] тайинласинлар.



117

Улганларнинг молларини уз ворисларига етказсинлар. Агар вориси йуқ булса, уни хайрли ишларга сарф қилсинлар ёки Маккайи муаззамага юборсинлар.

118

Чораси булмаган ишга киришма, чунки ундан кутилиб булмайди.

119

Куч – адолатдадир.

120


Бир кунлик адолат – юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

121

Бирни куриб фикр қил, бирни куриб шукур.

122

Илм ва диннинг машхур кишилари уз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим – мамлакатда адолат урнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқоронинг турмушини яхшилаш, юртимизда



қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан қўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинмаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан эзилаётгани мендан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берингиз, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлурди.

(Амир Темурининг олим-уламолар олдида айтган нунқидан)

123

Филнинг думи бўлгунча, чумолининг боши бул.

124

Ишон – аммо шубҳа қил.

125

Агар мамлакат ҳокимсиз қолса унга халал етади, ҳол-аҳволида фаҳш юз кўрсатади, халқи бахтсизлик қаҳри ва душманнинг хиёнаткорлиги туфайли тамом қирилиб кетади.

126

Бошсиз мамлакат жонсиз танга ўхшайди. Бежон таннинг аҳволи вайроналикга яқиндир.

Маъқули шулким, Сиз (амакиси Ҳожи барлос) Хуросонга кетмоқчисиз, мен бўлсам Кеш тарафга қайтаман. Улусни ўзимга мойил қилиб оламан-у, сунг [Илбсхўжа] хоннинг хизматига кираман, умаро ва аркон давлат*дан кўз-қўлоқ бўлиб тураман, токи вилоят хароб бўлмасин, тангри таолонинг дуоғуёи бўлган раият* заҳмату ташвишга қолмасин.

Тўрт қўшин бўлишсин ва ҳар бир суворий икки боғдан узун шох-шаббани отининг икки биқинига боғлаб шундай чопдирсинларки, чангу ғуборни [осмону фалакка] кутарсин ва уша тарафларнинг доруғалари*катта қўшинни мушоҳада қилиб, қочиб қолишсин.

Фирузи асар лашкардан қочган румликларни таъқиб қилиб борганлар орасида бўлган Султон Маҳмудхон Бўязид Илдирымга, етиб олди ва уни тутиб шу ондаёқ жаҳонгир соҳибқироннинг хузурига жўнатди. Давлат дўстлари вақт тақозоси билан қайсари Румнинг қўлларини боғлаб хуфтонда олам подшосининг даргоҳига олиб келдилар. [Соҳибқироннинг] хўш табиати подшоҳона жуш урди ва ҳомийларча отифат* қилиб, унинг қўлларини ечиб, ҳурмат билан олий даргоҳга олиб киришларини буюрди. Иззат-ҳурмат билан учрашганларидан кейин, [соҳибқирон] ҳурмат-




эҳтиром кўрғазиб, ёнидан жой курсатди. [Сўнг] гина урнига яхшилиқни сўзловчи, нодир нарсаларни баён этувчи ва гавҳар сочувчи оғизларини [сўзга] очиб дедиларки: "Қандай бўлмасин олам аҳволи тамоман парвардигорнинг иродаси ва қудратига боғлиқдир, ҳеч кимсанинг буни таҳқиқ этишга ихтиёр ва қудрати етмайдур. Лекин, инсоф билан ростини айтиш керакки, сен ўзингдан бошқани кўрмайдиган бўлиб қолгансан... кўп вақтлардан бери босар-тусарингни билмай қолдинг, мени ўзингга интиқом учун кина-қудурат сақлаб юрибди, деб ўйладинг. Шундиёрда истиқомат қилиб турган кофирларни ғазо қилиш маслаҳатида эдим, мусулманлик ва хуш андишалиқ борасида нимаки лозим бўлса сен билан мурасаю мадора ва муросасозлик қилиб келдим. Ва ўйладимки, маслаҳатларимга қўлоқ осасан..."

130

Илдирим Боязид хижолат ва уят мақомида қолиб ва хато-камчиликларини эътироф этиб, деди: "Дарҳақиқат хато қилдим, ҳазрати Соҳибқироннинг сўзларига қўлоқ солмадим, шунинг учун жазоимни тортиб турибман. Агар подшоҳона иноят қилиб, гуноҳимни кечсалар, ўзим у фарзандларим то ҳаёт эканмиз оёғимизни фармонбардонлик ва хизматкорлик тариқидан бошқа йўлга қўймагаймиз". Олийҳиммат соҳибқирон унинг елкасига подшоҳларга муносиб чопон ташладилар, уни турли-туман сийлов ва навозишлар билан сийлади. Қайсар [ҳазрати соҳибқироннинг] хуш ахлоқини мушоҳада





қилиб, дуоини санодан сунг, арз қилди: "Фарзандларим Мусо билан Мустафо жанг чоғида ёнимда эдилар, йуқолиб қолишди. Агар уларнинг ҳол-аҳволини тафтиш қилиш, тирик бўлсалар ҳузуримга олиб келишлари ҳақида фармони олий берсалар, бу [аввал кўргизган] илтифотларига қўшимча бўлур эди." Фармони олий берилди ва тавочилар шу заҳотиёқ уларни қидириб кетдилар. Бир неча кундан кейин Мусони топиб, ҳазрати соҳибқироннинг ҳузурига олиб келдилар. [Ҳазрати соҳибқирон] унга подшоҳона марҳаматлар кўрсатиб, уни хос чопон билан сийлади ва отасининг қошига жўнатди.

131

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

132

Лочиннинг учарга мадори келмаса, чумчуққа масхара.

133

Бахту саодат ва молу мулк эшикларининг менга очилиши, фатҳ қилинган дунё келинчакларининг менга кулиб боқиши фақатгина Сеистон* уқлари сабабидан бўлди. Ўша вақтдан, яъни душман уқлари мени мажруҳ этганларидан бери то шу кунларга қадар мен фақат равнақ топишда давом этаман.



43

よんじゅうさん

四十三



134

Шер йигитни номус ўлдирар.

135

Мана шундай жангларда эр киши имтиҳон қилиниб, синалади.

136

Келинлар, отларимизни етаклаб кечаси билан юрамиз ва душман ҳеч нарсадан хавотир олмаган бир пайтда орқасидан унга яқинлашамиз. Агар уларга тунда етишсак, унда биз голиблармиз.

137

Бир кун келадики, золим ўз бармоқларини тишлайди.

138

Курашиб эришилмаган ғалаба ғалаба эмас.

139

Давлат – лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидоийлиги-ла қудратлидир.

140

Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.



141

Қудратимизга шак-шубҳангиз булса, биз қурдирган биноларга боқинг.

142

Улкан мерос доимо улкан мухолифлик туғдиради.

143

Ажал – қурқоқларга баҳона.

144

Адоват эмас – адолат енгади.

145

Аввал йулдош – кейин йул.

146

Бел ушлашганда отангни аяма.

147

Беткай* кетар, бел қолар,
Беклар кетар, эл қолар.

148

Билаги зур – бирни йқар, билими зур – мингни.



149

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.

150

Бир кучган – икки таланар.

151

Бир таёқни синдирмоқ мумкин,
Кўп таёқни букиб ҳам бўлмас.

152

Бир қинга икки қилич сиғмас.

153

Бирликсиз куч бўлмас.

154

Ботир жангда билинар,
Доно – машваратда.

155

Ботирлик – қалъа олади.

156

Бошга қилич келса-да рост сузла.



157

Булар одам ёшида бош булар,
Булмас одам қирқида ҳам ёш булар.

158

Буридан қурққан ўрмонга кирмайди.

159

Вақт утгандан кейин қиличнингни тошга чоп.

160

Ваҳима – душманнинг йулдоши.

161

Душманнинг кулгани – сирингни билгани.

162

Душмандан қурқма, мунофиқдан қурқ.

163

Дустлик – синовда чиниқади.

164

Емсиз от довон ошолмайди.



165

Мерган овда билинар, ботир – ёвда.

166

Номуссиз хиёнатдан, номусли улим яхши.

167

Озуқли от – ҳоримас.

168

Олтмишга кирган отадан ош сўрама,

169

От минган отасини унутади.

170

Ота бўлмаган, ота қадрини билмас.

171

Оқ бўлсанг – онт ичма.

172

Оғзингга қон тўлса ҳам,
Душман олдида тупурма.



173

Қилич уткир булса-да уз сопини кес-
магай.

174

Сайёҳда макр булмаса, домига ов илинмас.

175

Сузлагувчи гар нодон эрур, тинглагувчи доно
улсин.

176

Тил – қиличдан уткир.

177

Той минган – от ҳам минади.

178

Туя минган одам қуй орасига бекинмас.

179

Қулига қилич олган баҳона қидирмайди.

180

Қурқмасанг – ёв қочар.



181

Кечира олишлик – мардлик, кечира билмаслик
номардлик саналади.

182

Қонни қон билан эмас, сув билан, ювишни урган.

183

Эл тупурса кўл бўлур.

184

Энг баланд минора ҳам ердан кутарилгай.

185

Яхши ит ўз ўлугин кўрсатмагай.

186

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.

187

Яхшини – ёмон кунда сина.

188


Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.




БАРЧА ИШЛАРИМИНИНГ ТЎҚҚИЗ
УЛУШИН КЕНГАШ, ТАДБИР ВА
МАШВАРАТ, ҚОЛГАН БИР УЛУ-
ШИН ЭСА ҚИЛИЧ БИЛАН БАЖО
КЕЛТИРДИМ.

АМИР ТЕМУР

СОҲИБҚИРОН ҲИКОЯТЛАРИ





Бир куни падари бузрукворимиз—Амир Тарағой баҳодир кўп қўйларни менга бериб, Самарқанд бозорига савдога йўлладилар. Қўйларнинг ҳаммасини минг олтинга сотиб, пулларни белга боғлаб сайр қилиб юрур эдим. Бир ерда хушовоз қаландар одамларга сўзлаб тургон экан: қўлида қоғоз—шеър битилган, у дер эди:

—Шул ёзувнинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёнинг охирига етади...

Ҳимматим жўшиб, минг олтуни қаландарга тутқаздим. У менга тикилиб турди-да, сўнг насл-насабамни сўради. Айтдим. Сўнг тайин қилди:

—Отанг олдиға борғил, буни отанг олдида ўқи, борғунча очма...

Қоғозни келтириб, падари бузрукворга бердим. Очиб ўқидилар. Форсча рубойи экан — маъноси қўйидагича: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми яхшилик билан ном қолдир...

Рубойининг муаллифи — ўшал қаландар-аллома шоир Камол Хўжандий эркан. Ул зотни падари бузрукворимиз кўп ҳурмат қилар эрканлар.

—Баракалло, ўғлим, кўп доно ишга олтуларни сарф этибсан. Энди, минг олтунга олгон ушбу ҳикматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур...

Падари бузрукворнинг айтқонларини бош устида тутдим.

#

Қарши қалъасин забт этолмай, дилга қадар* тугиб қайтмоқда эдим. Қизилдарёдан кечиб, бир қишлоққа қўндик. Мен бир кулбани ихтиёр этдим. Унда ушоққина кампир яшар, тирикчилиги ёлғиз эчкидан



эркан.

Мен момодан бирор овқат қилиб бермоқни утиндим. Кўп ўтмай оғоч товоққа сузилган атала дастурхонда пайдо бўлди. Оч эрдим. Оғоч қошиқни тавоқдаги аталага мўлдириб, ютоқиб еган эдим, оғзителим куйгандан-куйди.

Шунда момо деди:

— Сен-да Амир Темурга ухшаш шошқолоқлардан экансан.

— Темурбекнинг шошқолоқлигини қайдин билдингиз, момо, — сўрадим.

— Эшитишимча, Амир Темур Қарши қалъасига тик бориб, уни ололмабди. Магарки, аввал қалъа атрофидаги кичик-кичик қишлоқ ва маҳаллаларни эгаллаб, куч тўплаб, сўнг қалъага ҳужум қилмоқ лозим эди. У эса бир йўла бекликни олмоқчи бўлдию, шашти синди... Шунга ўхшаш сен ҳам шошдинг ва оғзингни куйдирдинг. Аталани аввал товоқнинг гирдидан олиб, секин-секин ялаб кўради, совуғанини билгач, сўнгра қошиқни тўлдириб ейди-да...

Шунда хатойимни англагандай бўлдим. Ва дедим:

— Дархон момо, ушал шошғич Амир Темур мендирман. Танбеҳингизни бош устига олдим. Тиланг тилагингизни...

Дархон момо одамлар учун ариқ қазиб, сув чиқариб беришни сўради. Орадан кўп ўтмай Танқос дарёсидан ариқ қазиб, сув чиқариб бердим.

#

Қарши қалъасин забт этиб, музаффарлик туғи бирла қайтар эдим. Кечда Кўкбулоққа етиб, шу ерда тунамоқни ихтиёр этдик. Навкарларни хонадонларга тақсимлаб, ўзимиз сой бўйида яшил чодир тикдик.

Субҳидам атрофга разм солмоқда эдим.





Иттифоқо, бир аёл кишининг от етаклаб, сой томон кетмоғига назаримиз тушди. Шунда бизни ўй чўлғади. Мулозим йўллаб, ул ожизанинг эркагини топдириб келтирдик. Савол айладик:

— Нечук, завжа*нгизни от суғорғали йўллайсиз? От суғормоқ эркак кишининг хизмати-ку?!

— Соҳибқирон, — жавоб айлади ул киши, — от боқиш ҳам, от суғориш ҳам, эркакнинг юмуши эконини биламан. Аммо уйимга қоплонсифат тўрт навкаринг тушибдир. Уларнинг ниятин билмасман. Шул боисдан аёлимни от суғормоққа йўллаб, уйда қолган икки бўйдор қизимни кўриқламоқ истадим...

Биз мулоҳазага берилдик. Ва ўз хатойимизни англаб, ҳамишалиққа қарор бердик: бундан буёғинда навкарлар хонадонларга жойлаштирилмасин. Навкарларим яланг ўтлоқ ва сувлоқ жойларда чодирларда умргузаронлик қилишсин.

Кўкбулоқ қишлоғига қуёш мўраламасданоқ навкарларни хонадонлардан чиқариб, чодирларга жойладим ва шу тариқа эл осойишталигини таъмин этдим...

#

Самарқанд тахтини эгаллаб, азим Моварауннаҳр бизнинг ҳукмимизга киргач, юртда адолат ўрнатмоққа аҳд этдик. Аркону давлат атрофинда кўп нобакор мардумлар ин қўймоқчи эрди. Инчунин, уларнинг замзамасидан хуноб бўлиб, бир тадбир буюрдим: "Мусаввир келган арзигўйнинг суратин чизиб, менга киритсин. Арзигўйнинг қиёфатига боқиб, қабулимни айтармен.."

Мусаввирлар саройга келганларнинг сувратин чизиб, менга киритишар, арзигўйнинг пешона, бурун, даҳан, кўз ва бошқа сифатларига қараб,





унинг мақсад ва феълени олдиндан билиб турардим. Бадфеъл ва хиёнаткорларни қабулимга йўлатмаслик ҳаракатида бўлдим. Бунда пирим-шайх Шамсиддин Паррандадан "Илми қиёфа" – қиёфага қараб баҳо бериш ва олдиндан тақдирни башорат этиш илмини мукамал эгаллаганлигим ғоят қўл келди.

Иттифоқо, бир арзигуйнинг сувратин келтиришди. Сувратга тикилиб, анинг ғийбат ва бухтонга ружу қўйганин англадим. Қабул буюрмадим. Аммо ул киши мулозимларга зўрлик билан ҳузуримга ғавго солиб кирди.

– Соҳибқирон, – дерди у киши, – сиз ҳақсиз. Кейинги умримда мен-да кўп қатори ғийбат ва бухтонга ружу қўйдим. Аммо илгари чин кўнгил киши эрдим. Най-лайки, замон зайли мени шу куйга солди... Ортиқ чидашим мушкул... Арзим ҳам замона зайлидандур. Файз берувчи суҳбатингдан маҳрум этма!..

Шундан сўнг қабулга изн бердим. Мулозимлар бу кишини хос хонага бошлашди.


#

Қўл остимизга ун тўрт мамлакат раийяти жам бўлғонда, Самарқанд келиб катта тўю томошалар бердик. Зиёфатларга яқин-йироқдин барчани чорладик. Одамлар кўп кунлар тўкин дастурхон атрофида бўлишиб, тўйғунча еб-ичишди.

Зиёфатга келғонларнинг бариси шодумон эрди. Зиёфатлар тугади. Келғонларни янада хурсанд этмоқ ниятида (рўзғорига, бола-бақрасига яратар деган умидда) ҳар бир меҳмонга бир бошдан ҳисори қўй туҳфа этмоқни буюрдим. Баковуллар ҳар кишига биттадан қўй тутқазиб, жўнатаверишди...

Бехос, хаёл олди: меҳмонларим растан-да мам-нунмикан? Усти-бошимни ўзгартириб, зиёфатдан





қайтаётган одамлар тўдасига кирдим.

Чаҳор* йўлда одамлар куйманишар, дала-даштда усган қўйларни судраб, урдасидан чиқолмас эрди. Айниқса, беш-олти пудли ҳисори кўчқорни етаклаб олган киши қўйни ҳарчанд тортмасин ўрнидан қўзғатолмас эрди. Шунда ул киши тутоқиб деди:

–Қўйнику беришга бердинг, бир қулоч арқонни қизганиб нима қилардинг. Бир қулоч арқон билан бойиб қолармидинг, эй подшоҳи зикна...

Бу киши фикрига қўшилғонлар бўлди. Шунда эл кўнглини, одамлар кўнглини олмоқ нақадар мушкул эканини англадим. Кейин ушбу сабоқдин хулоса олиб, нуқсонларга асло йўл қўймаслик тадорикини кўрдим.


#

Шом* сари юриш олдидан Қорабоғда чодир тикиб узоқ туриб қолдик. Ҳарбу зарб машқларини пухталамоқ учун қўшин ичинда бўлиб, очиқ ҳавода тунадик. Кўп вақт ўтказиб, сафар олдидан чодирга қайтсам, ажиб манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бизнинг йўғимизда чодир тўйнуғидан икки кабутар тушиб, жуфту ҳалоллик қилмишлар. Улар бизнинг хос ўриндиққа хас-хашак-ла ин қуриб, бири тухум босиб ётур эди.

Тангри тааллонинг бу беозор жониворларига ҳалал етказмаслик учун чодирни ўзга қилдик. Эртаси кун, сафарга жўнар аввалида, тўрт нафар навкарни мулозим бирла қолдирдик. Уларга тайин этдикким:

–Тангри тааллонинг беозор қушлари тухум очиб, палопонлари учурма бўлғунча, шу ёнда бўлурсиз. Палопонлар учиб чиққоч, чодирни йиғиб, ортимиздан етиб борғайсиз...

Шом сафарига отландик. Жониворлар борасида



тузган тадбиримиз тангри тзаллога хуш ёқиб, зафар
туғимизни ҳилпиратди...

#

Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуг
қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз
билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида
отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб,
зиёратни ўринлатдим.

Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам
зиёратгоҳларни ана шундай тавоф этмоқни одат
билишди.

#

Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор
бермангиз—бу гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни
Оллоҳ хуш кўрмагай...

#

Ҳамишалиғ таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ
ярат, гадоё бўлсанг-да боғ ярат—бир кунмас бир кун
меvasини татирсан...

#

Малоҳидларга айтур эдим: ёлгон сўзлар бирлан
ғазаб ўтини алангалатмангиз...

#

Черик* тузиб, навкар олмоқда уч қоидага амал
қилдим: биринчидан—йигитнинг куч-қувватига,
иккинчидан—қилични ўйната олишига, учинчидан—ақл-
заковати-ю камолотига эътибор қилдим. Шу уч
фазилат жамулжам бўлса, навкарлик хизматига
олдим. Негаким, куч-қувватли йигит ҳар қандай
қийинчиликларга, азобу уқубатларга чидамли бўлади,
қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб этао-
лади, оқил навкар ҳар жойда ақл-идрокини ишга
солиб, мушкулотни бартараф этмоғи мумкин.



#

Пиру комил шайх Баҳовуддин Нақшбандийнинг: "Кам егин, кам ухла, кам гапир" деган панду насихатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: "Кам энглар-очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар-мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглар-доно бўласизлар."

#

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолатини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насибаси, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим.

#


Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насибанинг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим.

#

Ҳар кимдан кенгаш олдим, ҳар кимдан фикр ўргандим: қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, ишлата билдим.

#

Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Уларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан



дуо-фотиҳа беришларини утиндим. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва ҳеч бир талабларини рад этмадим. Бузуқи ва оғзи шалоқ ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага тўхмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим.

#

✓ Қиличим ўткир бўлса-да ўйлаб қинидан чиқардим, ширин сўз айтиб, ғанимнинг имон топмоғига йўл очдим.

#

✓ Мен ҳаётим мобайнида беш нарсага қатъий эътиқод қўйдим ва ҳамишалиғ уларга амал қилдим. Улар ушбулардир:

ОЛЛОҲ – ул ҳар нарсага қодир куч, сидқидилдан сифинсанг истаган муроду мақсудинга етказди.

ТАФАККУР – фикрлаш ва мушоҳада қобилияти, қувваи ҳафизаси кучли инсон ҳар қандай мушкул мушкулдони осон қилиш йўлини топа олади.

ҚИЛИЧ – ул йигитнинг йўлдоши, эл-юрт осойишталигининг посбони, ҳар қандай душманни маҳв этиш қуроли, анинг қудрати ила динсизларни динга солмоқ мумкин.

ИМОН – ул инсонни барча жонлилардан фарқлантириб тургувчи хусусиятдир. Имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат билади.

КИТОБ (битик) – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.



АМИР ТЕМУР ВАСИЯТИ

...Англаб турибманки, руҳ-қуши қалб қафасидан парвоз қилмоқчи. Тангри таолонинг даргоҳига жонимни бахш этаётиман. Сизларни унинг лутфу марҳаматига топширдим. Оби дида қилиб ўлтирманглар, оху нола чекманглар, чунки бундан фойда йўқ. Руҳимни фотиҳа ва такбир билан шод этинглар.

Алҳамдулиллоҳ, тангри таолонинг ёрдами-ла маъмурайи оламни шундай забт этдимки, бугун тамоm Эрону Туронда бирон кишининг бошқаларнинг ишига аралашиш ёки жабру бепок қулини бечораларга озор бериш учун кўтаришга мажоли йўқдир. Гуноҳим қанча кўп бўлса ҳам кечиринглар деб, тангри таолонинг мулкини беқийёс сахийлик билан кўриқладим, золимларнинг таарузли қулини мазлумларнинг ҳаёт этагидан юлиб ташладим. Салтанат қуриб ўлтирганимда, эшитмаган ёки менга хабар қилмаган, ёхуд дунё собит бўлмаган пайтлардан бошқа вақтда зўравоннинг заиф устидан зўравонлик қилишига йўл қўймадим...

Шундай бўлса-да, дунё менга вафо қилмади, сизларга ҳам вафо қилмайди.

Лекин [зўравонликга] монёлик қилиш ишини кечиктириш мамлакатни хавфу ғавғо остида қолдиради, жумлаи халойиқнинг ҳузур-ҳаловатини бузади, маслағу тариқатнинг бузулишига олиб келади. Қиймат куни буни биздан сурайдилар, суриштирадилар.



Шу кундан эътиборан фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинладикким, Самарқанд тахти унинг амр-фармонида бўлғай, тамкинлик ва истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раиятнинг муҳим юмушлари билан машғул бўлсин. Сизлар [эса] унга тобеълик ва буйнсунуш маросимини урнига қўйинглар, уни биргаликда қўллаб-қўлтиқланглар, токи олам бузилмасин...

Ўғилларим! Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбик этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни қўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик-дас-турингиз, раҳбарингиз ўлсин. Мен киби узун салтанат сурмақ истасангиз, қиличингизни яхши уйлаб чекингиз. Бир даъфа чеккандан сўнгра-да уни усталик-ла қўллангиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажақдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илқуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тош бошингизга тушмас...

Мендан сўнг ҳокон-Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўлажақдур. Онга, менга итоат этар киби итоат этажақсиз. Қумондонларим, ҳозир итоат омини этингиз...

Барча қумондонлар, сарой одамлари йиғлаярак: "Омин" деб фотиҳа ўқидилар. Амир Темур 1405 йил 18 февраль кунини вафот этди. Соҳибқироннинг сўнги сўзи "Ло-илоҳо иллоллоҳ" бўлди.



ИЗОҲЛАР

- АҲДОС ҚОЗИСИ** — урф-одатлар ва кундалик ишларнинг бажарилишини назорат қилувчи
- АНВАР** — равшан, энг нурли
- БЕТКАЙ** — тоғ ва қирнинг кунгай томони; қуёш нур сочган тарафи
- БАРЛОС** — ўзбек уруғларидан бири
- ВАЛИНЕЪМАТ** — ҳукмрон, бошлиқ
- ВОЛИЙ** — ҳоким
- ВАЛИАҲД** — тожу тахт вориси, ўринбосар
- ДОР УЛ-АМОРАТ** — амирлик уйи, ҳоким маҳкамаси
- ДОР УЛ-АДОЛАТ** — адолат уйи, қозихона
- ДОРУҒА** — шаҳар ҳокими
- ЗИНО** — ғайри қонуний жинсий алоқа; ўзаро никоҳда турмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқада бўлиши
- ЗАВЖА** — хотин, турмуш ўртоғи
- ЗИНДИҚЛИК** — худосизлик, ҳурматсизлик қилиш
- ДИРОАТ** — деҳқончилик, экинзорлар
- ИСТИФОДА** — фойдаланиш
- КАДАР** — ғам, қайғу, алам, ғурбат
- КОРИЗ** — ер остидан ўтказилган сув йўли
- МУҚАРНАС** — бинонинг қатма-қат уймаси, қабарик шакллар бериб ишланган қубба шаклидаги чиройли нақшлар
- МАШВАРАТ** — давлат арбоблари билан ўтказиладиган маслаҳат кенгаши
- МУДАРРИС** — мадраса ўқитувчиси
- МУЛК** — подшолик ери, давлат ҳудуди, мамлакат
- ОЙИН** — қоида, расм, тартиб, усул, одат, равиш
- ОТИФАТ** — ширинсўзлик
- РАИАТ** — бирор подшо ёки хонга қарашли аҳоли
- РАБОТ** — карвон қўниб ўтадиган жой, карвонсарой
- САДР** — уруғ, мансаб
- СЕЙСТОН** — ҳозирги Покистондаги бир вилоят
- СИПОҲ** — отлик аскар, отлик қўшин
- СУЮРҒОЛ** — тожу тахт олдида кўрсатилган катта хизматлар эвазига бериладиган ер инъоми
- СОҲИБ** — эга, тасарруф этувчи
- ТАФСИР** — Қуръони каримни изоҳлаш



ТАРИҚАТ	– ислом дини оқими
ТИЛОВАТ	– "Қуръон"ни қироат билан ўқиш
ФИҚҲ	– муслмон ҳуқуқшунослиги
УЛУС	– эл, халқ
ҲАДИС	– Қуръондан кейинги муқаддас манба
ХОНАҚО	– ғариб-мискинлар, қаландарлар тўхтайдиган, истиқомат қиладиган жой, ғарибхона
ХОЛИСА	– давлат даромадлари ва ерлари билан шуғулланувчи мансабдорлардан иборат ҳайъат
ХОЖА	– эга, оила бошлиғи, уй эгаси
ХУТБА	– жума кунлари ва ҳайитларда ўқиладиган намоз (унга давлат бошлиғи исми қўшиб ўқилган)
ШАҲИД	– қурбон бўлиш
ШАЙХУЛИСЛОМ	– муслмон жамоасининг бошлиғи
ШАМС	– қуёш
ЧЕРИК	– қўшин, ҳарбий тузилма
ҚАВМ	– бир маҳалла, қишлоқ кишилари, бир уруғ вакиллари
ҚАЙСАР	– Рум ва Юнон подшоҳларининг қадимий лақаби
ФАДДОР	– хиёнатчи, алдамчи
ФАНИМ	– қарши томон, душман, ёв
ҲУСЛ	– чўмилиш
ҲИСОР	– қурғон, қалъа, ҳарбий паноҳгоҳ
ГАРДУН	– фалак, осмон
ЖАҲОНГИР	– жаҳонни бўйсундирувчи, дунёни оловчи
ЖАЙХУН	– Амударёнинг қадимги номи
ЖОҲИД	– дин йўлидаги уруш, ғазовот
ПАДАРИ	
БУЗРУКВОР	– отага нисбатан, ишлатиладиган ҳурматли сўз
ФАВЖ	– қисм, қўшин бўлаги
ЁҒИЙ	– душман, ёв

2011
1336
278

МУНДАРИЖА

Буюк шахснинг доно ўғитлари.....	3
Миллатнинг дардларига дармон бўл.....	9
Соҳибқирон ҳикоятлари.....	51
Амир Темур васияти	60
Изоҳлар.....	62

Литературно-художественное издание

ИЗРЕЧЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА

Составители: Бурибой АХМЕДОВ, Акрам АМИНОВ

На узбекском языке

Ташкент, 700011, Ц - 14 - 33, издательство "НАВРУЗ"

Адабий-бадий нашр

АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

Тузувчилар: Бўрибой АХМЕДОВ, Акрам АМИНОВ

Мусаввир Неймат Ҳақимов

Расмлар муҳаррири Темур Саъдуллаев

Техник муҳаррир Асфандиёр Бахтиёров

Мусаҳҳиҳ Ойшагул Алимова

Босмахонага 27.02.92 да берилди. Босишга рухсат 20.03.92.

Бичими 84x108/32. 1-қоз. "Адабий" гарнитура. Офсет босма.

Шартли босма табоғи 3,1. Нашр табоғи 2,2. 200.000 нусхада
чоп этилди. 07-92 рақамли буюртма. 71-91 рақамли шартнома.

Э.к. 2449

Баҳоси келишилган нархда.

"Наврўз" нашриёти, Тошкент, 700011, Ц-14, 33-уй.

Китоб макетини "ЭРА" ишлаб чиқариш
реклама агентлиги тайёрлаган.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот Давлат қумитаси "Китоб"
нашриёт-матбаа бирлашмасининг 3-босмахонасида босилди.

Тошкент, Юнусобод, Муродов кўчаси, 1.